

бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш” каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бунинг натижасида эса, кейинги йилларда мамлакатимизда замонавий тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича қўйидаги имтиёзлар берилди:

- фермер хўжаликларига тўқимачилик ишлаб чиқаришнинг тегишли ташкилотчилари томонидан контрактация шартномасида назарда тутилган миқдорларда ва шартлар асосида аванс бериш;

- тўқимачилик ишлаб чиқариш ташкилотчилари пахта хом ашёсини етиштириш ва уларга етказиб беришни молиялаштириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш жамғармаси мабағлари ҳисобидан кредитлар ажратиш.

**Хуноса** Наманган вилоятида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоғида рақобатбардошлиқ муҳитини яратиш, корхоналарни замонавий инновацион технологиялар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулотларни экспортга йўналтириш ҳамда аҳолини ишга лаёқатли қатламини ушбу соҳага жалб этишда қўйидаги ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофик деб ўйлаймиз:

- тўқимачилик саноати тармоқларини қўллаб – қувватлаш ва ушбу тармоқдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;

- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кенгайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш, ички бозорни ҳимоялаш ва ташқи бозорга маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини оширишда имтиёзларни жорий этиш;

- рақобат муҳитини барпо этиш орқали маҳсулот сифатини ошириш ва халқаро стандартлаштириш сертификатларни жорий этиш;

- маҳсулот сифатига таъсир этмаган ҳолда таннархни пасайтириш чора – тадбирларини ишлаб чиқиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёвнинг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув – трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармони.

2. S.N.Yuldasheva. Sanoat korxonalarida ishlab chiqarishni tashkil etish. O`quv qo'llanma. Buxoro muhandislik-texnologiya instituti, 2019 y. 122-123 b.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги. 2021 йил якуни бўйича макроиқтисодий кўрсаткичлар шархи. [www.mf.uz](http://www.mf.uz). 9-бет.

4. Наманган вилоят статистика бошқармаси. [www.namstat.uz](http://www.namstat.uz).

## **ПАХТА ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНИЛИШИ**

Кучимов Абдужамил Ҳамрақулович  
Жиззах политехника институти  
“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси  
доценти, иқтисодиёт фанлари номзоди

**Аннаотация:** Мақолада пахта тўқимачилик кластирлари фаолиятининг давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан татибга солиниш ва қўллаб-қувватланиш механизмлари, шунингдек, пахта тўқимачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришга кўмаклашишнинг шакллари баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Кластер, меъёрий-ҳуқуқий асослар, давлат бошқаруви органлари, нодавлат бирлашмалар, бозор инфратузилмаси, молиявий ва бошқа муассасалар, ялпи даромад.

**Аннаотация:** В статье рассмотрены механизмы апробации и поддержки хлопково-текстильных кластеров со стороны государственных и негосударственных организаций, а также формы содействия развитию производственной кооперации в рамках хозяйственного кластера хозяйствующих субъектов, специализирующихся на хлопко-текстильном производстве.

**Ключевые слова:** Кластер, нормативно-правовая база, государственное управление, негосударственное объединение, рыночная инфраструктура, финансовые и иные институты, валовой доход.

**Annaotatsiya:** The article describes the mechanisms of testing and support of cotton textile clusters by governmental and non-governmental organizations, as well as forms of assistance to the development of production cooperation within the economic cluster of economic entities specializing in cotton textiles.

**Keywords:** Cluster, regulatory framework, public administration, non-state association, market infrastructure, financial and other institutions, gross income.

Иқтисодиётни модернизация қилишнинг ҳозирги босқичининг кун тартибида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш вазифаси олдинга сурилади. Ушбу вазифани ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик юритиши кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси жараёнларини қўллаб-қувватламасдан туриб амалда ҳал этиш ғоят мураккаб муаммо ҳисобланади. Иқтисодиётнинг турли соҳаларида ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик юритиши кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларнинг мураккаблиги ва кўп қирралилиги ушбу жараёнларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмларини такомиллаштиришни талаб қиласди.

Республикада ҳозирги вақтда барпо этилган ишбилармонлик муҳитининг ривожланишини давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватлаш

ва рағбатлантириш тизими иқтисодиётда ушбу жараёнларни юқори суръатларда шакллантириш имконини беради. Бироқ ушбу жараён унсурларининг асосий қисми, биринчи навбатда, мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган турли фаолиятга ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик юритиш кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини ташкил этишга кам аҳамият берилади. Бундан ташқари, тармоқ ва худудий бошқарув органлари кўпинча ўзаро фаолиятларни мувофиқлаштирумайди. Пахта тўқимачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик юритиш кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси бўйича муайян вазифаларни ҳал этишдаги уларнинг ваколатлари тўлиғича тартибга солинмай қолмоқда [1]. Пахта-тўқимачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик юритиш кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси жараёнларини давлат ва нодавлат органлар томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш қўйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- меъёрий-хуқуқий асосларни такомиллаштириш;

- давлат бошқаруви органларининг ушбу жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича ваколатларининг чегараланганигини инобатга олган ҳолда, уларнинг фаолиятини кучайтириш;

- нодавлат бирлашмалар, бозор инфратузилмаси, молиявий ва бошқа муассасаларнинг турли фаолиятга ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик юритиш кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришга қўмаклашишини фаоллаштириш.

Пахта-тўқимачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик юритиш кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишнинг асосий унсурлари 1-расмда келтирилган [2].

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар фуқаролик қонунчилигининг умумий меъёрлари билан тартибга солинади. Бироқ хориж тажрибасида кичик корхоналар иштирокидаги субпудрат муносабатлари кичик бизнес манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган маҳсус қонунчилик билан тартибга солинади. Назаримизда бундай маҳсус қонун хужжатини бизнинг мамлакатда ҳам жорий этиш, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритиш кластери доирасида товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда ўзаро ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисида Низом” лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.

Мазкур Низом лойиҳаси билан, бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётининг муҳим механизмлари тартибга солинади, хўжалик юритувчи субъектлар товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда хўжалик кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясига бўлган талабларини расмий тарзда қондириш имкониятига эга бўлади, ишлаб чиқариш жараёларини ташкил этишда хатарлар пасайтирилади.

## **Пахта тўқимачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишининг асосий унсурлари**



Мазкур Низом лойиҳаси билан, бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиётининг муҳим механизмлари тартибга солинади, хўжалик юритувчи субъектлар товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда хўжалик кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясига бўлган талабларини расмий тарзда қондириш имкониятига эга бўлади, ишлаб чиқариш жараёларини ташкил этишда хатарлар пасайтирилади. Ушбу Низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик кластери доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш бўйича кенг кўламли чоратадбирларни амалга оширишнинг самарадорлиги билан белгиланади. Дастлабки маълумотларга кўра, юқоридаги хужжатнинг ялпи даромади қийматини камида 12-15 млрд. сўмга ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ҳисобидан улар фойдасини (қўшимча қиймат) 1,2-1,5 млрд. сўмга кўпайтириш имконини беради. Бунда давлат бюджетига дастлабки эксперт ҳисоб-китобларига кўра тахминан қўшимча 4-5 млрд. сўм тушади, 8-10 мингта янги иш ўринлари барпо этилади [3].

Шу билан бирга Низомда хўжалик юритиши кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясининг иштирокчилари шартнома доирасида қўйидаги мажбуриятларга эга бўлиши белгилаб қўйилиши лозим:

- учинчи шахсларга ва уларнинг манфаатларига заарар етказмаган ҳолда, ўз ҳуқуқларини амалга ошириш;
- хўжалик юритиши кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида ҳамкорларга тўлиқ ва ишончли маълумотларни, ҳамда биргаликда товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган хужжатларни тақдим этиш;
- хўжалик юритиши кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперацияси иштирокчиларига мажбуриятларнинг тез ва тўлиқ бажаришига тўсқинлик қилмаслини.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан пахта тўқимачиликка ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик кластери доирасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантиришга кўмаклашишнинг қўйидаги шаклларига муҳим эътибор қаратилиши керак:

- ўқитиши ва муайян масалалар бўйича амалий кўникмаларни ишлаб чиқиш мақсадида конференциялар, семинар-тренингларни ташкил қилиш;
- ушбу муаммоларни ҳал этиш масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар учун маҳсус курсларни ташкил қилиш [4].

Ҳар бир туман ва вилоят бўйича турли фаолиятга ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик кластери доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ишлаб чиқариш кооперациясини кенгайтиришга доир самарали ва мақсадли ишларни амалга ошириш учун манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида маҳсус дастурлар ишлаб чиқилиши керак [5].

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Айнакулов М.А. Экономическая эффективность управления кластером в реальном секторе экономики. // «Экономика и социум». Международный научно-практический журнал. 2022. № 2 (93)-1 (февраль, 2022) С. 187
2. Айнакулов М.А., Абдухамидов Э.М. Нормативно-правовая база интеграционных отношений хозяйствующих субъектов // «Молодой ученый». Международный научный журнал. Спецвыпуск Джизакский политехнический институт. 2016. № 7.2 (111.2) С. 48-50.
3. B.B.Berkinov, M.A.Aynaqulov. “Kichik tadbirkorlik korxonalarining yirik korxonalar bilan ishlab chiqarish kooperatsiyasi ”. Monografiya - Jizzax.: 2004-114 b.
4. Aynakulov M.A. Problems, prestiges of animation process and technique // Uz ACADEMIYA. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL.ISSN (E)-2181-1334.VOL 1, ISSUE 2, AUGUST 202. Jild-2
5. Aynaqulov M.A. Xudayberdiyev B.B. Xatamov A.Ya. Qurilish majmuasida xo‘jalik yuritish kooperatsiyasi va klasterining tavsiyaviy yo‘nalishlari // in Volume 1, Issue 5 of Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences in Jine 2021

## **ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЕ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТЕКСТИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

Нумонов Каҳҳор Қабулович – к.э.н., доцент, АндИСХА  
Knumanov@mail.ru

Холматов Диёрбек Усмонович- ассистент, АндИСХА  
diyorbeknoraliev@gmail.com

Олимов Ҳаётилло Валижонович – магистр , АндИСХА  
olimovhayotbek5@gmail.com

**Аннотация** В статье анализируется состояние текстильной промышленности Узбекистана за последние годы. В том числе, рассматриваются возможные экономические выгоды за счет снятия бойкота со стороны международного сообщества и предлагаются конкретные меры, чтобы увеличить производственный потенциал текстильной промышленности, что дало бы наращивать экспортный потенциал экономики республики в условиях глобализационных процессов в мировой экономике.

### **Abstract**

The article analyzes the state of the textile industry in Uzbekistan in recent years. In particular, possible economic benefits are considered due to the